2012 ЙИЛ 29 МАЙ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (12.166)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ШУНДАЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилган.

Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқдалар, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроғи 40 ёшгача бўлган юқори малакали мутахассислардир.

Шу билан бирга, махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланишича, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваламбор, уларнинг малакаси етарли эмаслиги ҳамда қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Касб-ҳунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёргарлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олмасдан расмий равишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услубларига таянган ҳолда ўтказилмоқда. Замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълим жараёнига суст жорий этилмоқда. Касб-ҳунар коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида таркиб топган тизим замон талабларига жавоб бермаяпти.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар давомида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, уларни касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлашга, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябрга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда касб-ҳунар коллежларининг раҳбар кадрлар билан таъминланганлигини танқидий кўриб чиқсин, ушбу масалада ишларни тегишли даражада ташкил этилишини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортсин ҳамда коллежларнинг раҳбарлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига эга бўлган касб жиҳатдан тайёрланган мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 августга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибга кўра, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилишлари кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

### МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

***Юқори ривожланган техника асрида ижтимоий ҳаётимиз учун ҳамиша зарур бўлган ҳар бир маҳсулотга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифати замон талабларига ва жаҳон стандартларига тўла жавоб бера олиши жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.***

Тўртта моделдаги энергия тежовчи лампалар, 14 турдаги электр тармоғига уланиш ва ёқиш анжомлари, 3 хил моделдаги маиший кондиционерлар ҳамда 2 хил микротўлқинли печь ишлаб чиқарувчи «Нео Сан Лайт» фирмаси 2010 йил февраль ойида ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қисмларининг 40 фоизи корхона томонидан тайёрланиб, қолган қисми эса чет элдан келтирилади.

— Корхонамиз ўз маблағимиз ва чет эл инвестицияси асосида ташкил этилган, – дейди «Нео Сан Лайт» фирмаси бош директори Рахмат Закиров. — Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида асосан 2010 ва 2011 йилларда ишлаб чиқилган, жаҳон стандартларига мос технологиялар харид қилдик. Келгусида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, маҳсулотларнинг янги моделларини тайёрлаш ҳамда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштириб қўйганмиз. Шу билан бирга корхонани кенгайтириш ва ўз филиалларимизни очишни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Умумий ходимлари сони 250 га яқин бўлган «Нео Сан Лайт» корхонасида маҳсулотларнинг сифати ва рақобатдошлигига, кафолат муддати ва махсус сервис хизмат кўрсатиш пунктларининг ташкил этилишига эътибор берилади. Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида махсус синов лабораториялари ташкил этилган бўлиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бундан ташқари, компанияда ишчи-ходимларнинг ўз соҳаси бўйича малакасини ошириб туриш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил қилинган.

**Фаррух БАҲРОМОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Бу тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида халқаро миқёсда ҳам кенг ўрганилмоқда.***

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани бунинг далилидир. Бунда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим омил бўлаётир.

Концепцияда белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шу боис уларнинг Концепция мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган «Концепция – мамлакатимиз тараққиётининг кафолати» лойиҳаси ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга берилаётган имтиёз ва имкониятларни янада кенгайтириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг бу борадаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли бошқарма ва идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда тадбиркорлар қатнашди.**

**● Фарғона вилояти Қўштепа туманида ёшлар тарбиясида китобнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, вилоят ҳокимлиги, Республика маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.**

**● Чирчиқ шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабининг навбатдаги битирувчиларига сертификатлар топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.**

**● Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**● Нарпай туманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида касб-ҳунар таълими муассасаларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишига кўмаклашишга бағишланган семинар ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Германия қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича рекорд ўрнатди. Қуёш нурини йиғувчи энергетика қурилмалари соатига 22 гигаватт электр энергиясини ишлаб чиқарган. Мутахассисларнинг айтишича, бу йигирмата атом электр станцияси тўла қувватда ишлаганда олинадиган электр ҳажмига тенг. Маълумотларга кўра, ҳозир ишлаб чиқарилаётган қуёш энергияси Германиянинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг йигирма фоизини қоплайди. Мамлакат ҳукумати қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмаларни кўпайтиришни режалаштирмоқда. Германия ҳукумати Япониядаги «Фукусима-1» АЭСда содир бўлган авариядан сўнг атом энергиясидан воз кечди. 2011 йилда мамлакатдаги саккизта АЭС ўз фаолиятини тўхтатди. Қолган ўнга яқин станция ҳам 2022 йилга бориб ёпилади.**

**● Янги Зеландияда чекишга қарши янги қонун жорий этилади. Мазкур қонунга мувофиқ, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компанияларга солинадиган солиқ қирқ фоиз ошади. Бу эса тамаки маҳсулотлари баҳосининг кўтарилишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, бир қути сигаретнинг нархи 75 АҚШ долларига тенг бўлади. Мамлакат ҳукумати вакилларининг сўзларига қараганда, ушбу қонун чекувчилар сонини камайтиришга ёрдам беради. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, 1986 йилда мамлакатда чекувчилар сони аҳолининг ўттиз фоизини ташкил этган бўлса, ҳозир катталар орасида ҳар бешинчи киши тамаки чекади.**

**● Буюк британиялик олимлар жўхори ва шакарқамишдан олинадиган шакардан замонавий пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Илгарилари бундай пластик идишлар асосан ёқилғи маҳсулотларидан тайёрланган. Шакардан тайёрлангани эса экологик тоза бўлиб, атроф-муҳитга зарар етказмайди. Чиқиндихоналарда уюлиб ётган пластик идишлар ўз-ўзидан эриб, шакарга айланади.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги 116-сонли умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълим бош бошқармаси тизимидаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини сифатли ташкил этиш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳлар бошлиқлари, тарбиячи ва етакчилари учун «Мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари ва педагог ходимларининг вазифалари» юзасидан шаҳар семинари ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб уюштирилаётган «Мумтоз наволар» даврасининг иқтидорли хонанда Нигина Исматова оилавий ансамблининг ижодий учрашуви ва концерти бўлиб ўтди.

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни







# ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

***Мамлакатимизда «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик давом этмоқда.***

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ҳафталик тадбирларида меҳрибонлик уйлари, «Болалар шаҳарчалари»нинг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг ўғил-қизлари қатнашмоқда.

Ҳафталик доирасида хушманзара «Тошкент-Ленд» боғига мураккаб тақдирли ўғил-қизлар, пойтахтимиз, Тошкент, Сирдарё вилоятларидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси қошидаги ўқув маркази директори Г.Смирнова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга, ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор кўрсатишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз шаҳару қишлоқларида қад ростлаётган замонавий таълим, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат масканлари, болалар ижодиёти марказлари болаларга пухта билим ва тарбия бериш, миллатимиз генофондини янада соғломлаштиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларга ғамхўрлик ва эътиборни янада кучайтириш, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш, оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳамкорлигида ўғил-қизларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, ватанпарварлик, фидойилик, Ватан тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Уларда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятга интеграциялашувида яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал қобилиятини тўғри шакллантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 2 июнига қадар давом этадиган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик доирасида боғларда сайиллар, концертлар, ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, расмлар кўргазмаси, болалар ҳуқуқларига доир викториналар, хушманзара масканларга экскурсиялар ташкил этилаётир.

– Меҳрибонлик уйимизда салкам юз нафар ўғил-қиз вояга етмоқда, – дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори Фарида Кенжаева. – Болаларни оилавий муҳитга яқинлаштирган ҳолда тарбиялашга, уларга ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, фидойилик сингари эзгу тушунчаларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай изчил ишлар болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш, уларда соғлом тафаккурни, қатъият, ўзига бўлган ишончни мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

– Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олишимиз учун барча шароит яратилган, – дейди Бўка шаҳридаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Мадина Жўраева. – Бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишимиз борасида кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Шу куни «Тошкент-Ленд» боғидаги аттракционлар меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болалар, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларининг ихтиёрида бўлди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Спорт янгиликлари

# НАВБАТ — ЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВИГА

***БААда давом этаётган футзал бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси «Д» гуруҳидан ўрин олди ва гуруҳ баҳсларида Индонезия ҳамда Хитой каби давлатларни ортда қолдирган ҳолда иккинчи ўрин билан кифояланди.***

1-тур натижаларига кўра Ўзбекистон ва Қувайт футзал терма жамоалари ўртасидаги ўйинда ғолиб аниқланмади, ўйин жанговар — 1:1 ҳисоби билан якунига етди. Амалдаги вице-чемпион — Ўзбекистон терма жамоаси учрашувнинг 7-дақиқасида ўз дарвозасидан гол ўтказиб юборган бўлса, уч дақиқадан кейин Дилшод Ирсалиев мувозанатни тиклади. Қолган дақиқаларда устунлик Хосе Мария Мендез шогирдлари томонида бўлсада, улар Қувайт дарвозасига бошқа йўл топа олишмади.

Ўзбекистон футзал терма жамоаси илк турда Қувайтни мағлуб эта олмагани боис, Хитойга қарши ўйинда ўз вазифасини мушкуллаштириб қўйганди. Шундоқ ҳам Хитой терма жамоасида анча кучли рақиб ҳисобланади ва ушбу терма жамоага қарши ўйинда руҳий босимни енгиб ўтиш осон эмасди. Хайриятки, Мендез йигитларни руҳлантира олди ва терма жамоамиз мана шундай қийин вазифани уддалади. Бу ғалабага эришгунча эса майдончада нималар содир бўлмади, дейсиз!

Ўйиннинг бошиданоқ терма жамоамиз ташаббусни қўлга олиб, рақиб дарвозаси томон кўпроқ босим уюштира бошлади. Дарвоза томон зарбалар берилди, комбинациялар уюштирилди. Аммо хитойликлар дарвозасини ишғол қилиш бугун осон бўлмаслигини Ли Кай ўйин бошидан исботлашга тушди.

Барчаси режа асосида кетаётган пайтда терма жамоамизнинг моҳир тўпурари Дилшод Ирсалиев кутилмаганда майдон марказида тўпни рақибига бериб қўйди ва жамоа сардори Ху Жиеи дарвозабонимиз билан бирга-бир вазиятга чиқиб бориб, Умаровни доғда қолдирди — 1:0!

Вазифа мураккаблашиб кетди. Аммо йигитларимиз бугун руҳан жуда бақувват эдилар ва улар синиб қолишмади. Тўпнинг назорати тўла-тўкис ўзбекистонликлар томонига ўтди. Қувайтга қарши ўйинда бўлгани каби тўпнинг Хитой дарвозасига киришига устун ҳалал берди (Дилшод Ирсалиев зарбасидан сўнг).

Кутилган гол эса бурчак тўпидан сўнг киритилди. Константин Свиридов жарима майдончаси ичида ўзига етказилган тўпни битта уриниш билан дарвозага жойлаб қўйди — 1:1!

Иккинчи бўлим Ўзбекистон терма жамоаси учун жуда ажойиб тарзда бошланди. Нодир Элибоев майдон марказида Ху Жиейдан ўзиб кетаётганида жамоа сардори уни қўли билан тўхтатиб қолди. Ўйин бош ҳаками Нурдин Букуев эса унга яна битта сариқ карточка ва кетидан қизил кўрсатди.

Ўйин тугашига 5 дақиқадан кам вақт қолганида Нодир Элибоев ён чизиқдан узатилган тўпни қабул қилиб олиб, дарвоза томон кучли зарба берди. Дарвозабон тўпни қайтарди ва ўша жойда турган Дилшод Ирсалиев биринчи бўлимдаги қўпол хатосини тўғрилаганча дарвозани ишғол қилди — 1:2! Шу тариқа Ўзбекистон драматик кечган баҳсда Хитойни мағлуб этди ва ушбу мундиалдаги биринчи ғалабасини қўлга киритди.

3-турда гуруҳ аутсайдери — Индонезия терма сига қарши залга чиққан Хосе Мария Мендез шогирдлари йирик — 9:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Юртдошларимиз эронлик футзалчилар билан ўйнамаслиги учун Индонезияни йирик ҳисобда ютиши керак эди. Бу вазифа ҳам уддаланди, лекин ўйин тақдири бошқа ўйинга боғлиқ бўлиб қолган бир вазиятда дастлабки турда Ўзбекистонни 2 очкодан маҳрум қилган қувайтликлар йирик — 5:0 ҳисобида муваффақият қозонишди. Шу тариқа гуруҳ якунларига кўра Қувайт ва Ўзбекистон жамғарган очколар 7 тани ташкил қилди. Тўплар нисбатига кўра Мендез жамоаси 2-ўрин билан чекланди.

Энди Ўзбекистон «С» гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган мамлакатга қарши чорак финалда тўқнаш келади. Айнан мана шу беллашув ноябрда Таиландда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма бериши мумкин.

Ўзбекистон жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун, Осиёнинг ўн бир карра чемпиони Эронни таслим қилиши керак бўлади.

Финал олдидан финал деб баҳоланаётган ушбу ўйин 29 май куни «Аш-Шабаб» мини футбол клуби залида ўтказилади.

**Раббонакул МУХТОРОВ**

***Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 9-тур баҳслари пешқадам командаларга муҳим очколарни туҳфа этди.***

## ГОЛЛАРГА БОЙ БЕЛЛАШУВ

«Жар» стадионида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилган «Пахтакор» командаси меҳмонлар устидан 4:0 ҳисобида зафар қучиб ўз мухлислари кўнглини шод этди. Учрашувда сермазмун ўйин намойиш этган мезбонлар тўлиқ устунликка эришишди. Рақиблар дарвозаси томон уюштирилган хавфли ҳужумларнинг тўрттаси гол билан якунланди. Шу куни мухлислар Андреев, Абдуҳоликов, Махсталиев, Ҳошимов томонидан киритилган чиройли голларнинг гувоҳи бўлишди.

Самарқандда «Динамо» меҳмони бўлган амалдаги чемпион жамоа «Бунёдкор» шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечган баҳсда Шавкат Саломов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол эвазига муҳим ғалабани қўлга киритди ва уч очкога эга бўлди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Нефтчи» — «Шўртан» — 1:1, «Бухоро» — «Локомотив» — 1:1, «Андижон» — «Машъал» — 4:0, «Олмалиқ» — «Металлург» — 3:2, «Насаф» — «Навбаҳор» — 1:1.

## ТУРНИР МАҒЛУБИЯТСИЗ ЎТДИ

***Россия пойтахти — Москва шаҳрида футбол бўйича ампутантлар терма жамоалари ўртасида Бутунжаҳон Чемпионлар лигаси ва «Ғалаба кубоги» турнири бўлиб ўтди.***

Саккизта мамлакат терма жамоалари ўртасида уюштирилган мазкур халқаро турнирда Украина, Туркия, Абхазия терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси битта ғалаба ва иккита дуранг натижа қайд этиб гуруҳда учинчи ўринни эгаллади.

Абхазия терма жамоаси Украина ва Ўзбекистон терма жамоаларидан бир хил — 0:12 ҳисобида енгилди. Украина, Ўзбекистон ва Туркия терма жамоалари ўзаро учрашувларни 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунлашди. Фақат тўплар нисбатига кўра турк ампутантлари биринчи ўринни, украинлар иккинчи ўринни ва ҳамюртларимиз учинчи ўринни қўлга киритишди.

Россия, Эрон, Франция, Англия терма жамоалари ўзаро баҳс олиб борган қўшни гуруҳда дастлабки 1-, 2-ўринларни эгаллаган ампутантлар терма жамоалари ярим финалда иштирок этган бўлса, ҳар бир гуруҳда 3, 4-ўринлар билан кифояланган терма жамоалар 5, 8-ўринлар учун кураш олиб боришди. Унда Францияни 11:0, Эронни 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Ўзбекистон терма жамоаси якунда 5-ўринни эгаллади. Энг муҳими, ҳамюртларимиз бирорта учрашувда мағлубиятга учрашмади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### *ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ*

**Инсоний ҳаёт жуда оз кишиларга насиб этадиган илоҳий неъматдир.**

* * *

**Бировнинг қўлидаги нон ширин туюлади.**

* * *

**Тўғри эшик излайди, ўғри тешик.**

* * *

**Осмондан тушган бахт беқадр бўлади.**

* * *

**Тақдир ҳамиша ҳам ҳақ бўлавермайди.**

* * *

**Осонига интилган кўпинча оғирига йўлиқади.**

* * *

**Оғир қисматига кўпинча кишининг енгиллиги сабаб бўлади.**

* * *

**Қайсарнинг ён бергани – жон бергани.**

* * *

**Нодоннинг ғалабасидан донониng мағлубияти афзал.**

* * *

**Доно имкон қидиради, нодон баҳона.**

* * *

**Узун эмас, мазмунли умр иста.**

* * *

**Ишончсизлик инсонни хароб қилади.**

* * *

**Дунёнинг ҳамиша бири кам – бирор киши ҳали ўзининг тўкис ҳаёти билан бунинг аксини исботлаган эмас.**

* * *

**Оила ҳам инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири.**

* * *

**Кексаларнинг ақлию ёшларнинг ғайрати билан иш қилиш керак.**

* * *

**Ҳосилнинг чўғи ўримда билинади.**

* * *

**Гўзаллик дахлсиз қироличадир.**

* * *

**Ишқ юки – энг оғир юк.**

* * *

**Бировнинг ёрдами миннатли бўлади.**

* * *

**Кўнгил – сирлар сандиғи.**

* * *

**Қўрқоқнинг кўзига шарпа одам кўринади.**

* * *

**Ўрни йўқнинг қадри йўқ.**

* * *

**Ширин сўзнинг сеҳри бор.**

* * *

**Ғаминг – душманинг.**

* * *

**Ғамнинг бир кечада қиладиган ишини душман бир йилда ҳам қилолмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1986 йил 2 июлда Нажмудинова Мавлюдахон Сиражддиновна номига берилган 2630 рўйхат рақами, МВ-1№078031 сонли диплом и йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17 даража илиқ, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9483 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5